

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНК МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 336.143(575.1)

Қурбонов Хайрилла Абдурасулович

БЮДЖЕТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07- «Молия, пул муомаласи ва кредит»

Иқтисод фанлари номзоди
илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент- 2010

Диссертация иши Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Рашидов Оқтам Юнусович

Расмий оппонентлар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Маликов Тоҳир Сатторович

иқтисод фанлари номзоди
Пўлатов Дилшод Ҳақбердиевич

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси
Молия Вазирлиги

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.005.25.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг 2010 йил “_____” _____ да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Ҳ.Орипов кўчаси, 16-уй

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2010 йил “_____” _____ да тарқатилди.

**Бирлашган ихтисослашган
кенгаш илмий котиби,
иқтисод фанлари номзоди**

Ф. Мирзаев

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Миллий иқтисодиётимизнинг барқарор суръатларда ўсиб боришини таъминлашга қаратилган иқтисодий ислохотларни изчил амалга оширишда давлат бюджети тизимининг ижроси самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Бунда бюджет тизими бўғинлари ўртасида даромад ва харажатларнинг оқилона тақсимланиши механизмига йўналтирилган бюджетлараро муносабатлар тизимининг назарий ва амалий муаммоларини ўрганиш долзарб аҳамиятга эга бўлиб, қуйидаги ҳолатларда яққолроқ намоён бўлади:

Биринчидан, миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг аҳамияти ортиб бормокда. 2009-2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар дастури вазифаларини ¹ амалга ошириш, ҳудудлардаги бюджет тизимини самарали ижросини таъминлаш жойларда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига алоҳида масъулиятни юклайди. Фикримизча, банк тизимини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш воситасида ҳудудларда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга асосланган мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг узоқ муддатли давлат стратегиясини шакллантириш зарур бўлиб, бундай ўсишни таъминлашнинг муҳим омилларидан бири сифатида бюджетлараро муносабатлар тизими майдонга чиқади.

Иккинчидан, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида маҳаллий давлат ҳокимияти органларига жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишдаги кенг ваколатлар берилаётган бўлиб, уларнинг молиявий имкониятларини кенгайтириш масаласи кун тартибидаги долзарб масалалардан бири бўлиб қолмокда. Таҳлиллар кўрсатишича, давлат иқтисодий сиёсатининг жойлардаги ижросини таъминлашда ҳудудий тафовут ва самарадорлик билан боғлиқ муаммоларга, паст даражадаги молиявий салоҳиятга эга бўлган ҳудудларда дуч келинмокда. Шунинг учун ҳудудларни молиявий қўллаб-қувватлаш ва амалдаги бюджетлараро муносабатлар тизимини услубий жиҳатдан такомиллаштириш иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Учинчидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий имкониятларини яхшилашга қаратилган ислохотлар туфайли, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида дотацион режимдаги вилоятлар 2 тагача камайтирилди. Аммо, жами 199 та туман ва шаҳарлар таркибида 2008 йилда 107 таси дотацион режимда қолаётганлиги ва уларнинг айримларида қарийиб 50% харажатлар юқори бюджетдан олинаётган дотациялар ҳисобига қопланиб келаётганлиги маҳаллий даражада бюджетлараро муносабатлар тизимини такомиллаштиришга эҳтиёж зарурлигини тақозо қилмокда ². Ўзбекистон

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.-Т.: Ўзбекистон, 2009 й.- 37 б.

²Ўз.Р Молия вазирлиги маълумотлари

Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “Ҳозирги кунда Сурхондарё, Жиззах ва Наманган каби вилоятлар ва кўплаб қишлоқ туманлари бюджетларининг дотацияда қолиб кетаётгани, яъни республика бюджети ҳисобидан таъминланаётганлиги биринчи навбатда мазкур ҳудудларда замонавий корхоналар, кичик бизнес соҳаси, савдо тармоқлари, умуман инфратузилмани ривожлантиришга эътибор берилмаётганлиги билан боғлиқ, деб айтишга барча асосларимиз бор”³. Юқорида билдирилган фикр негизида ҳудудий тараққиётнинг умумиқтисодий омилларига алоҳида урғу берилган бўлсада, келтириб ўтилган муаммолар қаторида амалдаги бюджетлараро муносабатлар тизими фақатгина даромадларни қайта тақсимлаш вазифасини бажармоқда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг санаб ўтилган умумиқтисодий омиллар кесимида ҳудудлардаги мавжуд иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланишни рағбатлантириш вазифасини бажаришда айрим муаммоларга дуч келинмоқда.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида давлатнинг бюджет ва солиқ сиёсатида бюджет тизимини тартибга солиш ва бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш орқали маҳаллий бюджетлар молиявий имкониятларининг мустақамланиши борасида юқорида келтирилган муаммоларнинг мавжудлиги мазкур диссертация ишининг долзарблигини белгилаб беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Давлат молиясининг муҳим бўғини ҳисобланувчи бюджет тизими ва унинг бўғинлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни қамраб олувчи бюджетлараро муносабатларни ташкил қилишнинг назарий ва амалий масалалари Я.Ю.Андреев, О.Г.Бежаев, Л.А.Дробозина, С.И.Лушин, Р. Масгрейв, Р.Оутс, Г.Б.Поляк, В.М.Родионова, М.В.Романовский, В.А.Слепов каби хорижлик иқтисодчи олимларнинг⁴ илмий асарларида ўрганилган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи- олимлардан⁵ Ё.А.Абдуллаев, М.И.Алимардонов, И.И.Алимов, А.В.Ваҳобов, Э.Ф.Гадоев, А.С.Жўраев, Н.Х.Жумаев, Х.Н.Жамолов, Ж. Р. Зайналов, О.К.Иминов, Т.С.Маликов, А.Маманазаров, О.О.Олимжонов, О.Ю.Рашидов, Б.Тошмуродова, Б.Т.Турабов, Н.Х.Хайдаров, М.Шарифхўжаев, Т.Эшназаров, Ж.А.Қўчқоров, Г.Қосимова, Х.Қобуловлар Ўзбекистон Республикасида бюджет тизимининг ривожланиши устувор йўналишларини илмий ишларида тадқиқ этишган. Шунингдек, инқирозга қарши чоралар

³Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш - барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. // : Ҳалқ сўзи, 2008 йил 9 феврал;

⁴ Musgrave R. The theory of Public Finance. New York: McGraw Hill, 1959.- p.277; Андреев Я.Ю. Межбюджетные отношения в регионе: опыт, проблемы, решения (на материалах Ярославской области).- М.:Новый Логос, 2003.-19 с.; Бежаев О.Г. Межбюджетные отношения: теория и практика реформирования.- М.:Экзамен, 2001.- 128 с.; Дробозина Л.А. Финансы.- М.: ЮНИТИ, 2003.- 527 с.; Лушин С.И., Слепов В.А. Государственные и муниципальные финансы.-М.: Экономист, 2006.-317 с.; Поляк Г. Б. Бюджетная система Р.Ф.-М.: ЮНИТИ, 2001.-540 с.; Родионова В. М. Финансы.- М.: Финансы и статистика, 1995.- 478 с.; Романовский М.В., Врублевской О.В. Бюджетная система Р.Ф.-М.: Юрайт, 1999.- 621 с.

⁵ Абдуллаев Ё. и др. Государственные финансы Республики Узбекистан.- Тошкент: Мехнат, 2001.- 85 с.; Алимардонов М.И., Тухсанов Қ.Н. Солиқлар назарияси.- Тошкент: Адабиёт, 2005.-209 б.; Рашидов О.Ю. Пул, кредит ва банқлар.-Тошкент: ТДИУ, 2008.- 432 б.; Ваҳобов А.В., Жамолов Х.Н. Соғласование межбюджетных отношений. -Ташкент: Молия, 2002.- 239 с.; Ваҳобов А.В., Қосимова Г., Жамолов Х.Н. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги. - Тошкент: “IQTISOD-MOLIYA”, 2005.-245 б.; Жўраев А. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари.-Тошкент: Фан, 2004.- 242 б.; Жумаев Н., Бурханов У. Молиянинг долзарб муаммолари.-Тошкент: Янги аср авлоди, 2003.-382 б.; Зайналов Д.Р. Кучкаров Р. Усиление роли налоговой политики в условиях реформирования системы налогообложения субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства.-Самарканд: СамИЭС, 2007. -36 с.; Маликов Т.С., Хайдаров Н. Х. Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари.- Тошкент: “IQTISOD-MOLIYA”, 2007.-245 б.; Маманазаров А. Маҳаллий бюджет ва солиқ. Монография. -Тошкент: Marifat-madadkor, 2001.- 120 б.; Олимжонов О.О. Иқтисодий мустақиллик ва солиқлар // Ҳаёт ва иқтисод. -Тошкент: 1992.-№2-116.; Тошмуродова Б. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми.-Тошкент: Янги аср авлоди, 2002.-126 б.; Турабов Б.Т. “Бюджетдан молиялаштирилган муассасаларда бюджет интизомини мустақамлаш масалалари”. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.-Тошкент:2007.- 206. Хайдаров Н.Х. Давлат молиясини бошқариш.- Тошкент: Академия, 2005.- 128 б.; Шарифхўжаев М. Ш. Ўзбекистон Республикасида бюджет жараёни. - Тошкент: Куvasой, 2003.- 267 б.; Эшназаров Т. Ҳазначилик тизими муносабатлари. Монография.-Тошкент:“Фан” нашриёти, 2008.- 296 б.; Кучкаров Д. и др. Местные бюджеты через призмы проблем.// Экономическое обозрение. -Ташкент: 2004.-№6 -4с.; Қосимова Г. Ҳазначилик фаолиятини ташкил қилиш.-Тошкент: “IQTISOD-MOLIYA”, 2005.-268 б.; Қобулов Х. А. «Ҳудудий иқтисодиёт ва маҳаллий бюджетлар имкониятларини ошириш йўналишлари». Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Тошкент: 2006. -23 б.

дастурида белгиланган кенг қамровли устувор вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш шароитида бюджет амалиётига қўйилаётган янги талаблар, давлат бюджети самарали ижросини таъминлаш, давлат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий ресурслар базасини уларга юклатилган вазифаларга мувофиқ шакллантириш билан боғлиқ муаммолар аҳамиятининг ўсиши бюджетлараро муносабатлар тизимини янада чуқур тадқиқ этишни талаб этади.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент Давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режалари доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади. Ўзбекистон Республикасида бюджетлараро муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари.

-иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг ривожланиш омиллари, бюджетлараро муносабатларнинг иқтисодий мазмуни, ташкил қилиш тамойиллари, бюджет тизимини тартибга солиш усуллари назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш;

-бюджетлараро муносабатларнинг макроиқтисодий жиҳатларини тадқиқ қилиш асосида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга таъсир этувчи бюджет-молиявий омилларни атрофлича ўрганиш;

-бюджет тизимининг бўғинлари ўртасида даромад ва харажатларни тақсимланишини бюджет амалиётининг янги талаблари асосида таҳлил қилиш;

-бюджет тизимининг ҳар қайси бўғинлари ўртасида молиявий тенглаштириш сиёсати бўйича даромадларни қайта тақсимлаш амалиётини таҳлил қилиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш;

-молиявий тенглаштириш сиёсатини амалга оширишда қўлланилаётган молиявий ёрдам шакллари такомиллаштириш юзасидан илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

-маҳаллий даражада бюджетлараро муносабатларни самарали ташкил этишга йўналтирилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими ва Фарғона вилояти маҳаллий бюджети илмий тадқиқот ишининг изланиш **объекти** ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бўғинларида бюджетлараро муносабатларни ташкил этиш жараёнида вужудга келувчи муносабатлар ва даромадларни бюджет тизимининг турли бўғинлари ўртасида қайта тақсимлаш натижасида вужудга келувчи молиявий муносабатлар тадқиқотнинг **предметини** ташкил қилади.

Тадқиқот методлари. Диссертацияда гуруҳлаш, таққослаш, омилли таҳлил, индукция ва дедукция, иқтисодий таҳлил ва статистика усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг гипотезаси. Диссертация ишидаги бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш хусусидаги илмий хулосалар ва амалий тавсиялар гипотезасининг муаммовий ҳолат усулидан фойдаланилган ҳолда таҳлил қилинган.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

-бюджетлараро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари назарий жиҳатдан ёритилиши натижасида муаллиф томонидан мустақил таъриф берилди ва миллий бюджет тизими шарт шароитларидан келиб чиққан ҳолда бюджетлараро муносабатлар ўзига хос тарзда тизимлаштирилди;

-маҳаллий бюджетларнинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида бириктирилган даромадларни кўпайтириш зарурлиги асосланди ва маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини мустаҳкамлаш йўллари бўйича амалий тавсиялар берилди;

-ўрта муддатли бюджетни режалаштириш тизимини жорий қилиш орқали умумдавлат солиқларидан меъёрий ажратмалар шаклидаги даромадларни барқарор бириктирилишига эришиш асосланди;

-дотацияларни ажратишнинг амалдаги механизмини таҳлил қилиш натижасида янги мезон ва кўрсаткичларга асосланган дотацияни ажратиш услуби ишлаб чиқилди ва тавсия қилинди;

-маҳаллий даражада бюджетлараро муносабатлар тизимидаги мавжуд муаммолар, уларга таъсир қилувчи умумиқтисодий ва молиявий тавсифдаги омиллар аниқланди ҳамда уларни бартараф қилишга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Илмий янгилиги.

-Ўзбекистон Республикасида бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш мақсадида бюджет тизимини тартибга солиш сиёсатидаги мувофиқликни таъминлашнинг янги вазифалари ва имкониятлари тизими шакллантирилди;

-маҳаллий бюджетлар молиявий имкониятларининг ҳолатини таҳлил қилиш асосида уларнинг даромад базасини мустаҳкамлашга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;

-давлат бюджетининг даромад қисмини бажарилишини таъминлаш мақсадида солиқларнинг бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимланишини такомиллаштириш юзасидан илмий таклифлар ишлаб чиқилди;

-давлат бюджетининг харажатларини бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимланиши механизмини такомиллаштириш юзасидан илмий таклифлар ишлаб чиқилди;

-ҳозирги фискал номарказлаштириш сиёсати шароитида маҳаллий бюджетлар харажатлари ва даромадларини оптималлаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;

-даромадларни қайта тақсимлаш тизими ва бюджет тизимини тартибга солиш амалиётининг самарадорлигини оширишга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;

-маҳаллий даражада бюджетлараро муносабатлар тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ишнинг амалий аҳамияти шундаки, ундаги айрим ҳолатлар алоҳида таклиф ва тавсиялар даражасигача тадқиқ этилганки, улар республика ва маҳаллий даражада

бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш орқали бюджет тизими бўғинлари ўртасидаги пул оқимларини барқарорлаштиришга ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий имкониятларини мустаҳкамланишида амалий ёрдам бериши мумкин.

Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида “Давлат бюджети”, “Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими”, “Давлат молиясини бошқариш”, “Бюджетлараро муносабатларни мувофиқлаштириш” фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги(12.02.2010 йил санадаги ЁТ/20-01-32-15-70/378-сонли далоланом), Фарғона вилояти ҳокимияти Молия бошқармаси (25.12.2008 йилдаги 01/1157-сонли далолатнома) томонидан амалиётда фойдаланиш учун қабул қилинган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертациянинг илмий ғоялари ва хулосалари: «Аҳолининг пул жамғармалари- жамиятнинг ижтимоий- иқтисодий ривожланиш омили сифатида» (Москва, 2000), «Бюджетлараро муносабатлар ва уларни мувофиқлаштириш йўналишлари» (Тошкент, 2005), «Маҳаллий даражада бюджетлараро муносабатлар тизимини самарали ташкил этиш масалалари» (Тошкент, 2007), «Бюджетлар ўртасида даромад ва харажатлар тақсимотининг молиявий муаммолари» (Тошкент, 2007), «Бюджет тизими бўғинлари ўртасидаги бюджет-молиявий оқимлар» (Тошкент, 2009), «Бюджетлараро муносабатлар- маҳаллий бюджетлар молиявий салоҳиятини ўсишининг омили сифатида» (Москва, 2009), «Маҳаллий даражада бюджетлараро муносабатларни ислоҳ қилиш омиллари» (Тошкент 2009) мавзуларида халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён қилинган ва маъқулланган.

Диссертация иши Тошкент Давлат иқтисодиёт университети илмий семинарида, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги Бирлашган ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинарда муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мазмуни 1 та ўқув қўлланмада ўз ифодасини топган. 13 та илмий ишда, шу жумладан, 2 та илмий оммабоп рисола, 4 та илмий мақола ва 7 та тезислар кўринишида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация матни 156 саҳифадан иборат бўлиб, унда 19 та жадвал, 11 та расм ва 4 та иловалар келтирилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитидаги мавжуд бюджет муаммолари турли даражадаги давлат ҳокимияти органларининг молиявий базасини ташкил қилувчи республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар даромад ва харажатларини тақсимланиш механизми, амалдаги бюджетлараро муносабатлар тизими билан ҳам боғлиқдир.

Тадқиқот ишида бюджетлараро муносабатларни молиявий муносабатларнинг алоҳида шакли сифатида бюджет муносабатларидан ўзига хос хусусиятлари бўйича фарқланиши асосланди. Бюджетлараро муносабатларни ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бюджет тизимининг турли бўғинлари ўртасида даромадларни қайта тақсимлаш билан боғлиқ муносабатлардан иборат бўлиб, бундай молиявий муносабатларда иштирок этувчилар сифатида давлат ҳокимиятининг турли даражаларидаги органлари ихтиёрида шакллантириладиган бюджетлар майдонга чиқиши асосланди. Бу тўғрисида А.В.Ваҳобов, Ҳ.Н.Жамоловлар қуйидагича фикр билдиришади, «Бюджет жараёнида, агар уни умумий тарзда кўриб чиқадиган бўлсак, бюджет муносабатларининг субъекти сифатида бир томондан давлат иштирок этади, иккинчи томондан эса солиқ тўловчилар. Бюджетлараро муносабатлар тизимида эса бошқа тавсифдаги муносабатлар мавжуд. Бундай муносабатларда солиқ тўловчилар иштирок этмайди»⁶.

Профессор Г.Б. Полякнинг фикрига кўра «Бюджетлараро муносабатлар-марказий давлат ҳокимияти органининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан уларга мувофиқ келувчи бюджетларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ ўзаро муносабатларидир»⁷.

Бу тўғрисида иқтисодчи С.И.Лушин, В.А. Слеповларнинг фикрлари қуйидагича “Бюджетлараро муносабатлар- мамлакатнинг бюджет тизимига келиб тушувчи солиқлар, бошқа тўловлар ва харажат ваколатларини доимий асосда чегараланиши бўйича турли даражадаги давлат ҳокимият органлари ўртасидаги муносабат ва вақтинчалик меъёрлар бўйича турли даражадаги бюджетлар ўртасида солиқлардан ҳамкорликда фойдаланиш ва бир даражадаги бюджетдан иккинчи даражадаги бюджетларга маблағларни қайта тақсимлаш шакллари ўз ичига олувчи бюджетлараро тартибга солиш тизимидир”⁸.

Профессор В.В.Ковалева эса, бюджетлараро муносабатларни 3 таркибий элементдан ташкил топади деб таъкидлайди. Улар: даромад манбаларини бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимлаш; харажат мажбуриятларини бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимлаш; бюджетлараро трансфертлар тизими⁹.

Иқтисодчилар А.М. Бабич, Л.Н. Павловларнинг фикрича “Бюджетлараро муносабатлар- Россия федерацияси давлат ҳокимияти органлари ва Россия Федерацияси субъектлари, маҳаллий ўз ўзини бошқариш органларининг бюджет ҳуқуқларини чегараланиши ва бириктирилиши, бюджет ижроси ва бюджет жараёни соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар риоя қилиши бўйича муносабатларнинг мажмуасидир”¹⁰.

Иқтисодий адабиётда бюджетлараро муносабатлар тизимига берилган қарашларни тадқиқ қилиш асосида диссертация ишида муаллиф томонидан қуйидагича таъриф берилди: бюджетлараро муносабатлар- давлат ва маҳаллий

⁶Ваҳобов А.В., Жамолов Ҳ. Н. Согласование межбюджетных отношений.-Ташкент: Молия, 2002.-С. 3.

⁷Поляк Г.Б. Бюджетная система Р.Ф.-Москва: ЮНИТИ. 2001.-С. 34.

⁸Лушин С.И., Слепов В.А. Государственные и муниципальные финансы.- Москва: Экономист, 2003.- С.293.

⁹Ковалева В.В. Финансы.-Москва: Проспект. 2005.- С. 189.

¹⁰Бабич А.М. Павлова Л.Н. Государственные и муниципальные финансы.- Москва: Финансы. 1999.- С.147.

давлат ҳокимияти органларининг бюджет жараёнида умумдавлат солиқлари бўйича вақтинчалик асосда меъёрий ажратмаларни аниқланиши, бюджетлараро тартибга солиш тизимида бюджет тизими бўғинлари ўртасида турли даражадаги ҳокимият органларининг ҳудудий манфаатлари нуқтаи назардан харажатларни молиялаштириш учун маълум шартлар асосида даромадларни қайта тақсимлаш бўйича ўзаро муносабатлардир.

Бюджетлараро муносабатларнинг иқтисодий мазмунини тадқиқ қилиш натижасида унинг ташкилий тузилиши бўйича қуйидаги расм ишлаб чиқилди:



1-расм. Бюджетлараро муносабатларнинг таснифланиши¹¹.

Диссертантнинг фикрича, бюджетлараро муносабатлар тизимини маълум бир мезонлар асосида тизимлаштириш уни бюджет тизими бўғинларини ташкил қилувчи республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар фаолиятини ривожлантиришга таъсирини аниқлаш учун принципиал аҳамиятга эга ҳисобланади.

Иқтисодчи-олимларнинг фикрларини умумлаштирган ҳолда бюджетлараро муносабатлар бюджет тизимини тартибга солишнинг воситаси сифатида қатор тамойилларга асосланиши ишда тадқиқ этилди ва муаллиф томонидан қуйидаги тамойиллар илгари сурилди:

-бюджет тизимининг бўғинлари ўртасида бюджет харажатларининг тақсимланиши ва бириктирилиши;

-бюджет тизимининг турли даражалари бўйича тартибга солувчи даромадларнинг чегараланиши;

-мамлакат субъектларини минимал бюджет ресурслари билан таъминланганлигининг тенглаштирилиши;

-турли даражадаги бюджетларнинг тенглиги;

-ҳудудлар иқтисодий салоҳиятидан фойдаланишни рағбатлантирилиши.

Даромадларни бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимланиши ҳар қайси бўғиндаги давлат ҳокимиятининг уларни харажат мажбуриятлари билан чекланишига асосланади. Давлат бюджети харажатларини имконият даражасида юқори ижтимоий- иқтисодий самарадорлигини таъминлаш учун улар тегишли

¹¹Муаллиф томонидан тузилган.

бўлган маъмурий бирликларнинг манфаатларига максимал даражада яқинлаштирилиши лозим. Чунончи, Республика бюджети даражасида даромадларнинг марказлашуви умумдават миқёсидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини бажариш, давлат молияси барқарорлигини таъминлаш учун ҳудудлар ўртасида молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш имкониятларини шакллантиради. Бундай шароитда бюджетлараро мунсабатлар тизими мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Иқтисодий категория сифатида давлат бюджетининг даромадларини мақсадли йўналтирилган ҳолда бюджет тизими бўғинлари ўртасида қайта тақсимлашда асосий мезон қуйидагилар бўлиши асосланди:

- мамлакат бўйича ва хусусан ҳудудлар доирасида ишлаб чиқариш ҳажми суръатларини ўсиши;

- барча ҳудудлар бўйича аҳолининг реал даромадларини ўсиши.

Мазкур мезонларнинг ўзаро боғлиқлиги ва уйғунлиги шароитида давлатнинг молиявий сиёсати ялпи ҳудудий маҳсулотни кўпайтириш ва аҳолининг реал даромадларини оширишга қаратилган устувор йўналишларини ўзида акс эттиради. Бюджетлараро муносабатлар ягона ижтимоий-иқтисодий ва молия-бюджет сиёсати орқали амалга оширилади. Бюджетлараро муносабатлар бюджет тизимининг шундай ташкилий шакли ҳисобланадики, унда турли даражадаги бюджетларнинг мустақиллиги шароитида давлат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фискал манфаатларини уйғунлаштириш имкониятлари яратилади.

1-жадвал¹²

Республика бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг даромадлари таркиби

№	Бюджетларнинг турлари.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.
		%	%	%	%	%
1.	Мақсадли фондларсиз давлат бюджети даромадлари	100	100	100	100	100
2.	Республика бюджети	56,7	58,0	58,0	54,6	55,9
3.	Маҳаллий бюджетлар (дотация ва субвенциялардан ташқари).	43,2	41,9	42,0	45,4	44,1


1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики 2004-2008 йиллар мобайнида Республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасида даромадларни тақсимланишида Республика бюджетининг салмоғи юқори бўлмоқда.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки мазкур даромадларни тақсимланишида Республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга молиявий тенглаштириш сиёсати бўйича келиб тушадиган молиявий ёрдам шаклидаги даромадлар(дотация, субвенциялар) ҳисобга олинмаган. Маҳаллий бюджетлар даромадлари давлат бюджети даромадлари таркибида 2008 йилда 44,1%ни ташкил қилган ҳолда ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Бунда бюджет

¹²Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

тизимини тартибга солиш амалиётида кенг фойдаланиладиган умумдават солиқларидан маҳаллий бюджетларга меъерий ажратмалар шаклида бериладиган даромадларнинг ҳиссаси юқори бўлган. Маҳаллий бюджетларга бириктирилган даромадлар яъни маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг салмоғи паст даражада қолаётганлиги кузатилди. Агар маҳаллий бюджетларга ижтимоий соҳаларни молиялаштириш ва бошқа асосий харажатлар юклатилганлигини ҳисобга олсак, бундай даромад базаси асосида уларни молиялаштириш билан боғлиқ муаммоларга дуч келиш табиий ҳолдир.

Ҳозирги шароитда маҳаллий бюджетларнинг молиявий имкониятларини оширишга қаратилган ислохотларнинг долзарблиги шу билан белгиланадики, маҳаллий бюджетлар харажатлари таркибида 1 ва 2- гуруҳ харажатлар асосий салмоқни ташкил қилиб, мазкур харажатлар кейинги йилларда ортиб бораётганлигини кузатишимиз мумкин. Бунни қуйидаги расм маълумотларидан кўришимиз мумкин.



2-расм. Иқтисодий тасниф бўйича маҳаллий бюджетлар харажатларининг таркиби¹³

2- расмдан кўриниб турибдики харажатларнинг иқтисодий таснифи бўйича маҳаллий бюджетларнинг жами харажатлари таркибида 1 ва 2 гуруҳ харажатлари 2004, 2005 йилда 64%ни ташкил қилган бўлса. 2008 йилга келиб мазкур харажатлар жами маҳаллий бюджетлар харажатларининг 79%ини ташкил қилган. 2009 йилда уларнинг маҳаллий бюджетлар харажатларидаги ҳиссаси 83%га етиши кутилмоқда. Мазкур йиллар мобайнида 3 ва 4 гуруҳ харажатларининг камайиб бориш тенденцияси кузатилмоқда.

Бу ҳолат маҳаллий бюджетлар харажатлари таркибидаги биринчи даражада тўланиши лозим бўлган харажатларни молиялаштириш учун бақарор даромад манбаларини шакллантириш заруратини юклайди.

Диссертантнинг фикрича, маҳаллий бюджетлар харажатлари таркибида 1 ва 2 гуруҳ харажатларининг салмоқли улуши уларга юқори бюджетлардан

¹³Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

манзилли молиявий ёрдам тизимини кучайтирилишини талаб қилади. Бу биринчидан, давлат бюджети харажатларини бошқариш нуқтаи назардан “ҳимояланган харажатлар” ҳисобланса, иккинчидан, ўзаро ҳисоб китоблар бўйича молиявий ёрдам кўрсатилсада, минимал иш ҳақинининг ортиши ва натижада бюджет муассасаларида иш ҳақини индексация қилиш натижасида харажатларни кескин ўсишига олиб келиши мумкин. Юқоридаги ҳолатни инобатга олган ҳолда кейинги йилларда 7 вилоят маҳаллий бюджети ва Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ижтимоий нафақалар, марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажат моддалари билан бирга иш берувчиларнинг 2-гурух харажатлари учун мақсадли субвенциялар берилмоқда. Тадқиқотлар кўрсатишича, маҳаллий бюджетлардан молиялаштирилаётган айрим бюджет ташкилотларининг 1 ва 2 гурух харажатларини молиялаштиришда юқори бюджетлардан бериладиган молиявий ёрдамнинг шаклларида бири бўлган субвенциялар амалиётидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлар бўйича давлат харажатларининг салмоқли қисмини маҳаллий бюджетлар томонидан молиялаштирилиши уларнинг даромад манбаларини шакллантиришда Республика бюджетидан молиявий ёрдам шаклидаги даромадларга эҳтиёжларини вужудга келтирмоқда. Бундай молиявий ёрдам шаклларида бири сифатида дотациялар тизимидан бюджет тизимини тартибга солиш амалиётида фойдаланиб келинмоқда.

2-жадвал маълумотларидан кўринадик, дотация кўринишдаги молиявий ёрдам шакллари маҳаллий бюджетлар жами даромадларининг 2004 йилда 11,3%ини ташкил қилган бўлса, мазкур кўрсаткич 2008 йилга келиб 4,5% га тенг бўлди. Шунингдек, 2004 йилда Республика бюджетидан дотация олувчи ҳудудлар 6 тани ташкил қилган бўлса, 2008 йилга келиб дотацион ҳудудлар 3 тани ташкил қилди. Бу ҳолат биринчи навбатда ҳудуд иқтисодиётини ривожлантириш ҳисобига уларнинг даромад имкониятлари оширилганлиги, қолаверса 3 турдаги харажатлар бўйича субвенциялар бериш амалиётининг жорий қилиниши ва марказлаштирилган тартибда тўланадиган умумдавлат солиқларидан бериладиган даромадларни кўпайтирилиши ҳисобига дотацион ҳудудлар камайганлиги ишда аниқланган. Натижада, маҳаллий бюджетлар учун 2008 йилда 818,5 млрд. сўмлик субвенциялар ажратилган ва ушбу субвенция шаклидаги молиявий ёрдамни 8 та ҳудуд олган. Кейинги йиллардаги ислохотлар натижаси ўлароқ бериладиган даромадларни кўпайтириш ҳисобига ҳудудларни дотациядан чиқариш имкониятлари ишда асосланди.

Республика ҳудудларини дотациядан чиқариш бўйича ҳукуматимиз томонидан олиб борилган бюджет-солиқ сиёсати ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг ҳудудлар молиявий имкониятларини оширишга қаратилган ислохотлари натижасида дотацияларни маҳаллий бюджетлар даромадларидаги ҳиссаси кескин қисқартирилди ва бюджет тизимини тартибга солишда дотацияларнинг аҳамияти камайиб бормоқда. Шунингдек, 2008 йилда Жиззах, Наманган ва Сурхондарё вилоятлари Республика бюджети ҳисобидан жами 190,1 млрд. сўмлик дотация ҳисобига харажатларни қоплаш

имкониятларига эга бўлган. Хусусан, Жиззах вилояти 2008 йилда Республика бюджетидан 39,3 млрд сўм, Сурхондарё вилояти эса 73,2 млрд.сўм, Наманган вилояти 77,6 млрд. сўм дотация ҳисобига харажатларни молиялаштириш имкониятларига эга бўлган. Мазкур дотациялар Жиззах вилоятининг жами даромадларини 22,2%ини, Сурхондарё вилояти жами даромадларида эса 22,2%ни ва Наманган вилояти жами даромадларини 23,8%ини ташкил қилган.

2- жадвал

Маҳаллий бюджетларга ажратилган дотациялар тўғрисида маълумот¹⁴

№	Вилоятлар	Дотацияларнинг миқдори(млрд.сўм)					Маҳаллий бюджетлар жами даромадларида дотацияларнинг улуши(%)				
		2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.
1	Қорақалпоғистон Республикаси	42,1	41,4	46,1			53,4	46,1	43,2		
2	Андижон вилояти	12,7	28,7	39,7			12,6	24,9	28,8		
3	Бухоро вилояти										
4	Жиззах вилояти	25,9	26,7	31,6	25,6	39,3	52,5	48,5	47,0	41,3	22,2
5	Қашқадарё вилояти										
6	Навоий вилояти										
7	Наманган вилояти	31,9	33,2	39,7	23,7	77,6	34,3	31,7	31,8	37,2	23,8
8	Самарқанд вилояти										
9	Сурхондарё вилояти	33,6	27,0	40,5	22,7	73,2	38,9	27,5	33,1	25,1	22,2
10	Сирдарё вилояти										
11	Тошкент вилояти										
12	Фарғона вилояти										
13	Хоразм вилояти	15,1	12,3	18,7			22,9	16,5	21,0		
14	Тошкент шаҳри										
	Жами	161,4	169,5	216,2	72,0	190,1	11,3	10,9	9,3	4,8	4,5

Дотацияларни беришнинг амалдаги ҳолати маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ўзларининг иқтисодий салоҳиятидан оқилона фойдаланиш ҳисобига бюджет даромадларини максимал ўстиришдан манфаатдорлигини таъминламаётганлиги кузатилди. Бундай молиявий ёрдамни қуйи бюджетларга беришнинг амалдаги механизми маҳаллий бюджетларнинг бириктирилган даромадларини оширишни рағбатлантирмайди ва ҳудудларда солиқларни ундирувчанлигини оширишга субъектив ёндашув ҳолатларини вужудга келишига таъсир этаётганлиги аниқланди.

Ушбу ҳолат, айниқса маҳаллий даражадаги бюджетлараро муносабатлар тизимида яққол намоён бўлмоқда. Гарчи, Республика бюджети ва Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоят бюджетлари ўртасидаги бюджетлараро муносабатларда дотациялар муаммоси маълум даражада

¹⁴Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

мувофиқлаштирилган бўлсада, маҳаллий даражадаги бюджетлараро муносабатлар тизимидаги дотациялар масаласи ҳали етарли даражадаги муаммоларга эгадир.

Куйидаги 3- жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, жами 199 шаҳар ва туманлардан 2008 йилда 107 таси дотациялар ҳисобига харажатларини таъминлаш имкониятларига эга бўлмоқда.

3-жадвал

Маҳаллий бюджетлар таркибидаги дотацион туманлар ва шаҳарлар тўғрисида маълумот¹⁵

№	Вилоятлар	Жами шаҳар ва туманлар сони	Шундан, дотацион туманлар сони				
			2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.
1	Қорақалпоғистон Республикаси	16	14	13	13	9	9
2	Андижон вилояти	17	15	14	13	12	12
3	Бухоро вилояти	13	6	5	5	6	5
4	Жиззах вилояти	13	10	9	10	9	9
5	Қашқадарё вилояти	14	7	6	5	5	5
6	Навоий вилояти	10	6	6	5	5	5
7	Наманган вилояти	12	9	9	9	8	9
8	Самарқанд вилояти	16	14	10	11	11	11
9	Сурхондарё вилояти	15	13	12	13	13	13
10	Сирдарё вилояти	11	8	8	7	7	6
11	Тошкент вилояти	21	12	6	5	5	4
12	Фарғона вилояти	19	16	16	16	16	14
13	Хоразм вилояти	11	8	8	8	5	5
14	Тошкент шаҳри	11	0	0	0	0	0
	Жами	199	138	122	120	111	107

Андижон вилоятида 17 та туман ва шаҳарлардан 12 таси, Наманган вилоятида 12 та туман ва шаҳарлардан 9 таси, Самарқанд вилоятида 16 туман ва шаҳарлардан 11 таси, Сурхондарё вилоятида 15 та туман ва шаҳарлардан 13 таси, Фарғона вилоятида 19 та туман ва шаҳарлардан 14 таси дотация олиш ҳисобига харажатларини молиялаштирмоқдалар. Дотацион режимдаги туман ва шаҳарлари салмоғи юқори бўлган вилоятлардаги ҳолат маҳаллий даражада бюджетлараро муносабатлар ҳали етарли муаммоларга эгаллигини тасдиқлайди.

Фарғона вилояти мисолидаги тадқиқотларимиз натижасида аниқландики, вилоят иқтисодий салоҳияти жиҳатидан республика вилоятлари ўртасида етакчи ўринларни эгаллайди. Аммо вилоят таркибидаги туман ва шаҳарларнинг даромадларида дотацияларнинг сезиларли даражаси уларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни вужудга келтирмоқда.

4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, вилоят таркибидаги жами 19 та шаҳар ва туман маҳаллий бюджетлари таркибида 2004 йилда 3

¹⁵Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

шаҳарларгина дотация олмаган бўлса, 2008 йилга келиб уларнинг сони 5 тага етган. Вилоят маҳаллий бюджетида дотацияларнинг улуши 2004 йилда 45,1%ни ташкил этган ҳолда 2008 йилда ўртача 16,5%га тенг бўлди.

4-жадвал

Фарғона вилояти маҳаллий бюджетидан 2004-2008 йилларда шаҳар ва туманларга берилган дотациялар тўғрисидаги маълумот¹⁶

№	Шаҳар ва туманлар	Шаҳар ёки туман бюджетида дотациялар улуши, %				
		2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.
1.	Марғилон ш.	32,6	48,3	42,1	40,0	31
2.	Фарғона ш.	-	-	-	-	-
3.	Кувасой ш.	-	-	-	-	-
4.	Қўқон ш.	-	-	-	-	-
5.	Бағдод	35,6	37,8	35,4	34,7	25
6.	Бешариқ	39,6	49,4	43,2	41,8	33
7.	Бувайда	65,7	53,4	49,5	48,9	34
8.	Данғара	46,5	39,1	38,2	35,4	19
9.	Ёзёвон	65,0	53,7	51,9	50,2	37
10.	Олтиариқ	23,5	27,9	27,1	25,9	-
11.	Охунбобоев	54,7	51,9	50,8	47,6	36
12.	Риштон	34,1	46,1	45,5	45,1	35
13.	Сух	66,9	49,5	47,8	46,7	38
14.	Тошлоқ	27,2	46,2	40,8	37,7	18
15.	Учкўприк	49,6	37,4	35,4	34,2	-
16.	Фарғона	43,6	47,0	45,3	44,1	33
17.	Фуркат	53,4	48,4	44,2	38,3	35
18.	Ўзбекистон	44,9	45,0	43,5	43,1	30
19.	Кува	33,0	38,6	37,4	39,8	32
	Вилоят маҳаллий бюджетида дотацияларнинг улуши	45,1	44,4	42,3	34,3	16,5

Таҳлилларимиз кўрсатишича, жами туман ва шаҳарлар бюджетида дотациялар улуши камайиб бораётганлиги кузатилмоқда. Жами туман ва шаҳар бюджетларида уларнинг салмоғи, вилоят бюджетинининг маҳаллий бюджетлар ижросига таъсир даражасини ва уларнинг молиявий қарамлигини нисбатан кучли эканлигини тасдиқлайди.

Тадқиқот ишида молиявий тенглаштириш сиёсати воситасида маҳаллий бюджетларга дотациялар ажратиш кўйидаги уч мезонларга асосланиши кўрсатиб берилди:

-маҳаллий бюджетлар даромад ва харажатларини тенглаштириш;

-ҳудудлар бўйича аҳоли жон бошига тўғри келувчи даромадларни тенглаштириш;

-ҳудудларнинг солиқ салоҳиятини баҳолаш ва мавжуд иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш даражасига асосланган ҳолда дотациялар ажратиш.

Мазкур мезонларга асосланган ҳолда маҳаллий бюджетларга дотациялар ажратишнинг услубиёти диссертация ишида тавсия қилинган бўлиб, мазкур

¹⁶Фарғона вилояти молия бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

услугиёт ҳудудларнинг бюджет таъминланганлиги ва иқтисодий салоҳиятдан фойдаланганлик даражаси каби кўрсаткичларга асосланади.

ХУЛОСА

Тадқиқот жараёнида бюджетлараро муносабатлар тизими бўйича қуйидаги **илмий хулосалар** шакллантирилди:

-биринчидан, бюджетлараро муносабатлар бюджет сиёсатининг ажралмас қисмидир;

-иккинчидан, бюджет сиёсатида марказий ва маҳаллий бошқариш даражасидаги бюджетлараро муносабатлар асосий аҳамиятга эгадир;

-учинчидан, бюджетлараро ўзаро муносабатлар нафақат бошқаришнинг турли даражасидаги ҳокимият органлари ўртасидаги муносабатлар балки, турли даражадаги давлат бошқарув органларига мамлакатни бир бутун меъёрдагидек ва истиқболли ривожланишини таъминлаш учун зарурий молиявий ресурсларни марказий ва маҳаллий давлат бошқарув органлари бюджетлари ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш билан боғлиқ пул муносабатларидир;

-тўртинчидан, республика бюджетига умумдавлат солиқлари ва йиғимлари кўринишидаги даромадларнинг жамланиши давлатни бошқаришдаги марказий ҳукуматга тегишли ваколатларни бажариш имкониятини туғдиради ва марказий ҳокимиятга мамлакатнинг барча ҳудудлари манфаатлари учун ягона ва самарали бошқариш мажбуриятини юклайди.

-бешинчидан, бюджетлараро муносабатлар маъмурий тузилма бўйича юқоридан қуйига ва қуйидан юқorigа қараб ҳаракатланадиган молиявий оқимларни ўз ичига олувчи тизим эканлиги асосланди.

Тадқиқот ишида бюджетлараро муносабатларни самарали ташкил қилишга қаратилган қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида маҳаллий бюджетларнинг бириктирилган даромадларини кўпайтириш ва уни маҳаллий бюджетлар харажатларини тахминан 50%ини молиявий таъминлаш имкониятларини шакллантириш учун давлат бюджети даромадларини бюджетлар ўртасида тақсимланиш механизмини реструктуризация қилиш лозимдир. Хорижий мамлакатлар тажрибаларига асосланган ҳолда солиққа тортиладиган базадан ҳамкорликда фойдаланиш амалиётини миллий иқтисодиётимиз шарт шароитларидан келиб чиққан ҳолда жорий этиш лозим. Бунда барча вилоятлар учун нисбатан барқарор тушумга эга бўлган айрим товарларга нисбатан акциз солиғидан ҳамкорликда фойдаланиш тизимини жорий қилиниши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ маҳаллий бюджетлар учун бириктирилган даромад манбаи сифатида берилиши мақсадга мувофиқдир.

2. Реал сектор корхоналари ўз таркибига кирувчи корхоналар томонидан марказлашган тартибда тўланаётган умумдавлат солиқлари ҳисобига фаолият юритаётган ҳудуд маҳаллий бюджетларига бериладиган даромадлар салмоғини янада ошириш мақсадга мувофиқдир.

3. Харажатларни бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимланиши қайта кўриб чиқиши ва қонуний тартибда аниқлаштирилиши лозимдир. Амалга оширилган тақиқотлар натижасида шундай хулосага келиндики, Республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасида давлат бюджети харажатларининг тақсимланиши меъерий- ҳуқуқий тартибга солиш, молиялаштириш ва ижро этиш тизими каби омилларига асосланган ҳолда қайта тизимлаштириш зарур.

4. Бюджет тизимини тартибга солишнинг муҳим усулларида бири умумдавлат солиқларидан меъерий ажратмалар орқали маҳаллий бюджетларга берилаётган даромадлар ҳисобланади. Таҳлиллар натижасида аниқландики, маҳаллий бюджетлар даромадлари таркибида умумдавлат солиқларидан меъерий ажратмалар шаклидаги даромадларнинг аҳамиятини юқорилигини ҳисобга олган ҳолда уларни ўрта муддатли бюджетни режалаштириш тизимини жорий қилиш орқали маълум муддатларга барқарор бириктириш тизимини шакллантириш зарур. Ўрта муддатли бюджетни режалаштиришни шакллантириш орқали умумдавлат солиқларидан меъерий ажратмалар шаклидаги даромадларни камида 3 йилга барқарор бириктирилишига эришилади ва уларни ҳудудларда самарали ундирилишидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг манфаатдорлиги ортади.

5. Юқори бюджетдан қуйи бюджетларга дотацияларни белгилашда ҳудудлар аҳолиси учун давлатнинг зарурий минимал ижтимоий хизматлари бўйича харажатларни тенглаштириш асос қилиб олиниши лозим. Бунинг учун дотацияларни белгилашда ҳудудларнинг бюджет таъминланганлиги ва иқтисодий салоҳиятдан фойдаланиш даражаси каби мезонлар асосида ҳисобланадиган механизмни жорий қилиш мақсадга мувофиқдир.

6. Дотациялар, субвенциялар кўринишидаги молиявий ёрдам шаклларида ҳудудларда мақсадли ва манзилли равишда фойдаланишини таъминлаш ва ажратилаётган маблағлар самарадорлигининг мониторингини шакллантириш учун зарурий ҳудудларни молиявий қўллаб қувватлаш фондини шакллантириш керак. Бундай фонд маблағларини ҳудудларга ажратиш юқоридаги таклифларга асосланган ҳолда умумий грант асосида амалга оширилиши керак.

Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни ҳудудлар миқёсидаги ижрочиси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари эканлигини ҳисобга олсак, маҳаллий бюджетларнинг молиявий имкониятларини ошириш, уларни дотациядан чиқариш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бу ўринда Фарғона вилояти бюджети мисолидаги таҳлилларга асосланган ҳолда шундай хулосага келиндики, маҳаллий даражада бюджетлараро муносабатлар тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланиши лозим:

1. Корхоналардаги мавжуд солиқлар бўйича қарздорлик бартараф этилиши ва реструктуризация қилиниши лозимдир. Хўжалик субъектларининг солиқлар бўйича боқиманда қарздорликларини нисбатан қисқартириш мақсадида мамлакатдаги солиқ юки даражаси ва бажарилган ишлар бўйича бўнак тўловлари ўртасидаги мувофиқлик таъминланиши мақсадга мувофиқдир.

2. Бюджет инвестициялари орқали тадбиркорликни рағбатлантиришни самарали механизмини шакллантириш лозим.

3. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини интенсивлашувидан манфаатдорлиги таъминлаш ва бюджет даромадларини йиғилувчанлигини оширилишини рағбатлантириш мақсадида вилоят бюджетидан туман ва шаҳар бюджетларига ажратиладиган дотацияларни қисқартириш ҳисобига солиқлар бўйича меёрий ажратмалар шаклидаги молиявий ресурсларни уларга бериш тизимини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

4. Ҳудудларда солиқ тўловчиларни тўлиқ рўйхатдан ўтказиш, солиқ ва йиғимларни манбалар бўйича тўлиқ ундирилишини назорат қилиш тизимини самарали механизмини шакллантириш зарур. Бунинг учун, ҳудудларнинг солиқ ва солиқсиз даромад салоҳияти тўғрисида тўлақонли ахборотга эга бўлиши учун шаҳар ёки туман даражасида солиқ паспортини шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

5. Бюджет ташкилотларида бюджет, смета-штат интизомига қатъий риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш ва бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан назоратни кучайтириш мақсадга мувофиқдир. Бунда ғазначилик тизимининг алоҳида аҳамиятини инобатга олган ҳолда туман ва шаҳар бюджетлари ғазначилик ижросини янада ривожлантириш зарурдир.

6. Давлат активларидан фойдаланишда максимал самара олишни кўзда тутувчи тамойилга асосланган давлат активларини бошқаришнинг янги тизимига ўтилиши керак. Бунинг учун жойлардаги барча давлат активлари ва мулкларини инвентаризациядан ўтказилиши ва қайта баҳоланиши мақсадга мувофиқдир.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Жамолов Х.Н., Курбонов Х.А. Денежные сбережения населения - как фактор социально-экономического развития общества // Материалы Международной научно-практической конференции.- Приоритетные направления развития финансов и либерализация финансовой системы в условиях рыночных отношений.- Москва, 2000.- С.6-7.

2. Қурбонов Х.А. Бюджет қурилиши ва бюджетлараро муносабатларни ташкил қилиш тамойиллари // Иқтисодиёт ва таълим.- Тошкент, 2003.- №4.- Б.95-100.

3. Қурбонов Х.А. Макроиқтисодий тартибга солиш тизимида бюджетлараро ўзаро муносабатларнинг роли // Ўзбекистон Иқтисодий ахборотномаси.-Тошкент, 2004. №1- 2. - Б.5.

4. Қурбонов Х.А. Бюджетлараро муносабатлар ва уларни мувофиқлаштириш йўналишлари // Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бюджет-солиқ тизимининг долзарб масалалари мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман маърузалар тезислари.- Тошкент: ТДИУ, 2005. - Б.168-170.

5. Қурбонов Х.А., Тухсанов Қ.Н. Солиқ тизимини такомиллаштириш тартиблари // Иқтисодиёт ва таълим.-Тошкент, 2006.- №4.- Б.87- 89.

6. Тухлиев Б.К., Қурбонов Х.А., Бауетдинов М.Ж. Давлат бюджети. Ўқув қўллама.-Тошкент: ТДИУ, 2007.-Б. 200.

7. Тухлиев Б.К., Қурбонов Х.А. Ўзбекистон мустақиллик йилларида. Илмий оммабоп рисола(3-қисм).-Тошкент: Иқтисодиёт, 2007.- Б. 220.
8. Қурбонов Х.А. Маҳаллий даражада бюджетлараро муносабатлар тизимини самарали ташкил этиш масалалари // Иқтисодиётни либераллаштириш ва мамлакатни модернизациялаш шароитида давлат молиясини ислоҳ қилиш йўналишлари. Республика илмий –амалий анжуман тезислар тўплами.-Тошкент: ТДИУ, 2007.- Б. 143-145.
9. Қурбонов Х.А. Бюджетлар ўртасида даромад ва харажатлар тақсимотини молиявий муаммолари // Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ривожлантириш муаммолари. Республика илмий –амалий анжуман тезислар тўплами.-Тошкент: ТДИУ, 2007.- Б. 143-145.
- 10.Тухлиев Б.К., Қурбонов Х.А., Тўхсанов Қ.Н. Солиқ- бюджет тизимидаги ислохотлар- барқарор иқтисодий ўсишнинг асосий омили сифатида. Рисола.- Тошкент: Иқтисодиёт, 2008.- Б. 36 б.
- 11.Қурбанов Х.А. Межбюджетные отношения как фактор роста финансового потенциала местных бюджетов. Двадцать вторые Международные Плехановские чтения: Тезисы докладов(10 апреля 2009 г.).- выездная сессия в г. Ташкенте .- Москва: ГОУ ВПО «РЭА им. Плеханова», 2009.- С. 341-342.
- 12.Қурбонов Х.А. Бюджет тизими бўғинлари ўртасидаги бюджет-молиявий оқимлар // Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида молия бозорини такомиллаштириш. Республика илмий-амалий анжумани тезислар тўплами.- Тошкент , 2009.- Б. 168- 170.
- 13.Қурбонов Х.А. Бюджетлараро муносабатларни самарали ташкил этиш омиллари // Иқтисодиёт ва таълим .-Тошкент, 2009.- №2.- Б.98-103.
- 14.Қурбонов Х.А. Маҳаллий даражада бюджетлараро муносабатларни ислоҳ қилиш омиллари // Давлат молиясини ислоҳ этишнинг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари.-Тошкент, 2009.-Б. 144- 146.

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Қурбонов Хайрилла
Абдурасуловичнинг 08.00.07- “Молия, пул муомаласи ва кредит”
ихтисослиги бўйича “Бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш”
мавзусидаги диссертациясининг**

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: бюджет тизими, маҳаллий бюджетлар, бюджет харажатлари, бюджет даромадлари, дотация, субвенция, бюджет ссудаси, иқтисодий салоҳият, солиқ салоҳияти, бюджет харажатлари индекси, ҳудудий фискал омил.

Тадқиқот объектлари: Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети, Фарғона вилояти маҳаллий бюджети .

Ишнинг мақсади: Ўзбекистон Республикасида бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот методлари: гуруҳлаш, таққослаш, омилли таҳлил, индукция ва дедукция, иқтисодий таҳлил ва статистика усуллари.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: бюджетлараро муносабатлар тизимининг ўзига хос хусусиятлари аниқланган ва уларни бюджет тизимини тартибга солишдаги аҳамияти асосланди; маҳаллий бюджетларга бериладиган молиявий ёрдамнинг асосий шаклларида бири бўлган дотацияларни ажратишнинг янги мезон ва кўрсаткичларга асосланган услуги ишлаб чиқилди; Республика ва маҳаллий даражада бюджетлараро муносабатлардаги мавжуд муаммолар ва уларга таъсир қилувчи умумиқтисодий ва молиявий тавсифдаги омиллар аниқланди; маҳаллий даражада бюджетлараро муносабатларни такомиллаштиришга йўналтирилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Амалий аҳамияти: тадқиқот ишида ишлаб чиқилган илмий хулоса ва амалий таклифлардан бюджет тизими ва бюджетлараро муносабатларга оид меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Фарғона вилояти Молия бошқармаси фаолиятида амалиётга жорий қилиш учун қабул қилинган. Тадқиқот материалларидан олий ўқув юртларида “Давлат бюджети”, “Ўзбекистон республикаси бюджет тизими”, “Давлат молиясини бошқариш” фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёни учун фойдаланиш мумкин.

Қўлланиш соҳаси: Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими, олий ўқув юртлари

РЕЗЮМЕ

диссертации Курбанова Хайруллы Абдурасуловича на тему:
**«Совершенствование межбюджетных отношений» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.07-
«Финансы, денежное обращение и кредит»**

Ключевые слова: бюджетная система, местные бюджеты, расходы бюджета, доходы бюджета, дотация, субвенция, бюджетные ссуды, экономический потенциал, налоговый потенциал, индекс бюджетных расходов, региональный фискальный фактор

Объекты исследования: государственный бюджет Республики Узбекистан, местный бюджет Ферганской области

Цель работы: разработка научных предложений и практических рекомендаций по совершенствованию межбюджетных отношений Республики Узбекистан.

Методы исследования: группировка, сопоставление, факторный анализ, индукция и дедукция, экономический анализ и статистические методы.

Полученные результаты и их новизна: выявлены особенности системы межбюджетных отношений и их роль в регулировании бюджетной системы; проанализированы действующие механизмы передачи дотаций, разработана методология, основанная на новых критериях и показателях; раскрыты современные проблемы межбюджетных отношений на республиканском и местном уровнях и определены факторы общеэкономического и финансового характера; разработаны научные предложения и практические рекомендации по совершенствованию межбюджетных отношений на местном уровне.

Практическая значимость: научные выводы и практические рекомендации научной работы могут быть использованы при разработке нормативно-правовых документов, регулирующие бюджетную систему и межбюджетные отношения.

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты исследования приняты для внедрения Министерством финансов Республики Узбекистан, Финансового управления Ферганской области. Материалы исследования можно использовать в высших учебных заведениях для совершенствования учебных программ и процесса обучения по дисциплинам «Государственный бюджет», «Бюджетная система Республики Узбекистан», «Управление государственными финансами».

Область применения: бюджетная система Республики Узбекистан, высшие учебные заведения.

RESUME

Thesis of Kurbanov Khayrulla Abdurasulovich on the scientific degree competition of the candidate of sciences in economic on speciality 08.00.07 –“Finances, money circulation and credit”.

Subject: “Improvement of inter-budgetary relations”

Key words: State Budget system, municipal budgets, budget's expenditures, budget's revenues, dotation, subvention, budgetary loan, economic potential, tax potential, index of budget expenditures, regional fiscal factor.

Subjects of research: State Budget of the Republic of Uzbekistan, municipal budget of Fergana province.

Purpose of work: to work out scientific proposals and practical recommendations to improve inter-budgetary relations of the Republic of Uzbekistan.

Methods of research: grouping, comparison, factor analysis, induction and deduction, economical analysis and statistical methods.

The results obtained and their novelty: peculiarities of inter-budgetary relations system and their role in regulation of budget system are disclosed; existing mechanisms of grating of dotations are analyzed, the methodology based on the new criteria and ratings was elaborated; the modern problems of inter-budgetary relations at republican and municipal levels are disclosed and factors of general economic and financial character are defined; proposals on improvement of inter-budgetary relations at local level are developed.

Practical value: scientific conclusions and practical recommendations of the dissertation may be used upon elaboration of legal documents for budget system and inter-budgetary relations.

Degree of embed and economic effectivity: the research results are accepted for introduction into activity of Ministry of Finance of RUz, finance department of Fergana province. Research materials are used for improving of study process and study of the subjects: “State budget”, “Budget system of the Republic of Uzbekistan”, “Management of public finances” in institutions of higher education.

Field of application: budget system of the Republic of Uzbekistan, institutions of higher education.

Тадқиқотчи:

